

## НОДИР АСАРЛАР ЭЛЕКТРОН КОЛЛЕКЦИЯЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МЕТОДЛАРИ ВА САҚЛАШ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

*Агзамова Дилноза, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ахборот-кутубхона фондларини комплекшлаш хизмати етакчи мутахассиси*

Бугунги кунда мамлақтимизда ижтимоий-маданий ва халқаро ҳаётнинг барча томонларига тааллуқли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, Республика аҳолисига ахборот-кутубхона хизматининг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари эълон қилинди. Масалан, 2011 йил 23 феврал «Ахборот-кутубхона фаолияти» қонунининг қабул қилиниши Республикада кутубхона-шунослик ва ахборот библиографик ишига катта эътибор берилиши унинг исботидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 августда қабул қилинган «Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар» сақланишини таъминлаш, уларнинг фондиди тизимли кўпайтириш ва бойитиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Миллий кутубхонасидаги нодир ва алоҳида қимматли нашрларни эҳтиётлаб сақлашни, босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарларини, қўлёзма ва график ҳужжатлар, шунингдек, алоҳида сақланаётган ҳамда тарихий, илмий, бадиий ва маданий қимматга эга ноёб нашрларни тизимли сотиб олишни таъминлашдек эзгу мақсадларни кўзда тутади.

Қонунда қадимий қўлёзмаларимиз ва қиммат баҳо нодир китобларни сақлаш, уларни ўрганиш ишига алоҳида эътибор берилган. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган «Нодир нашр ва қўлёзмалар» ҳозирги кунгача мамалакатимиз тарихини, аجدодларимиз қолдирган қадим ва маданий меросимизни ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Нодир асарларнинг сақлаш, қайта ишлаш, рақамлаштириш, реставрация ва консервация қилиш методлари мукамал ўрганилса, нодир асарларни йиритилиш, яроқсиз аҳволга ҳамда йўқ бўлиб ке-

тишни олдини олиш шу билан бирга келажак авлодга етказиб беришни таъминлайди.

Бугунги кунда нодир ва қадимий ёдгорликларни асраш муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Шунинг учун, биринчи навбатда, ҳужжатларни қайта ишлашнинг мақсадлари ва умумий масалалари кўриб чиқилади ва муаммолари ечилади.

*Нодир асарлар ҳужжатларини қайта ишлашнинг мақсади:*

1. Барча фойдаланиш мумкин бўлган ахборотларни йиғиш;
2. Ахборотларни ажратиш;
3. Керакли ва кўп сўраладиган ахборотларни фойдаланувчиларга тез ва сифатли тақдим этиш;

*Қайта ишлашнинг умумий масалалари:*

1. Ахборотларни йиғиш;
2. Ахборотларни қимматлилигини анқлаш;
3. Турли хил ахборот тизимларга маълумотлар базасини киритиш учун;
4. Автоматик маълумотларни киритиш;
5. Маълумотларни қўлда киритиш;
6. Қўлда киритилган маълумотларни текшириш;
7. Маълумотларни йиғиш;
8. Узоқ муддатли сақлов;
9. Қисқа муддатли сақлов;
10. Маълумотларнинг ҳисобини олиб бориш ҳамда рақамлаштириш.

*Нодир асарларни қайта ишлаш усуллари*

*1-жадвал*

<b>Аниқлаш</b>	Асарларни ахборот-кутубхона муассасларига келиб келиб тушган санаси ва уларни фондга қўйилган муддати ва қайта ишланган муддати аниқланади. Бунда ахборот-кутубхона муассасаси қанчалик техника билан таъминланганлигини кўрсатади
<b>Мақсад</b>	Бу анализ жараёнида асарларни қайта ишлаш жараёнида илмий ходимлар ва фойдаланувчилар тарихимизга ўтмишизга боғлиқ нодир асарлардан ўз илмий изланишларидан фойдалана оладими? Ўз вақтида ҳамда нодир асарларнидан фойдаланиш, қидириш усуллари ўрганилиб чиқилади. Бундан ташқари ахборот-кутубхона муассасаларининг автоматлаштирилган тизими ва корпаратив ахборот тизими ҳам муҳим роль ўйнайди.

<b>Методи</b>	<p>Асарларни қайси йўл билан қайта ишлашнинг аҳамияти йўқ, одатда ҳужжатларни қайта ишлаш жараёнида техникадан фойдаланилади, баъзида махсус қайта ишлаш жараёнлари қўлланилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қайта ишлаш жараёни;</li> <li>• Фондда сақланаётган ва совға тариқасида келиб тушган нодир ва алоҳида қимматга эга асарларни қайта ишлаш;</li> <li>• Нодир асарлар нусхаси;</li> <li>• Махсус коллекциялар;</li> <li>• Нодир асарлар махсус нодир асарлар учун мулжалланган фондларга жойлаштирилади.</li> </ul>
<b>Маълумотларни йиғиш</b>	<p>Кутубхонада автоматлаштириш бўлса у барча тизимли жарёнларни ўз ичига қамраб олади. Тизим барча маълумотлар билан автомат тарзида таъминлаб берилади. тизим асарларни босқичма-босқич қайта ишлаш жараёнида бўлимлар иштрокни ва методалирини белгилаб беради. қайта ишлаш жараёнида ишрок этувчи бўлимлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• комплектование;</li> <li>• қайта ишлаш бўлими ;</li> <li>• рақамлаштириш, автоматлаштириш бўлими;</li> <li>• фонд.</li> </ul>
<b>Асарларни қайта ишлаш жараёнида келиб чиқадиган муаммолар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• асарларини қайта ишлаш жараёнини ташкилий масалалари тўғри йўлга қўйилмаганлиги</li> <li>• қайта ишлашни босқичма-босқич режалаштирилмаганлиги;</li> <li>• битта жараёнда қайта ишлаш жараёнини тўхтаб қолиши;</li> </ul>
<b>Муаммони ҳал қилиш учун</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• қайта ишлаш босқичларни режалаштириш;</li> <li>• қайта ишланган асарларни вақтида кейинги босқичга юбориш;</li> <li>• мутахассисларни қайта ишлаш жараёнида тўғри иш билан тақсимлаш.</li> </ul>

Тадқиқот шуни кўрсатадики, ЎРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ЎРФААК ва Турон вилоят кутубхоналарининг нодир нашрлар фонди таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида, ЎРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Асосий жамғарма фондида 13319 та, Дублет жамғарма фондида 5237 та нодир қўлёзмалар, Ҳамид Сулаймонов номидаги жамғарма фондида 7586 та қўлёзмалар ва бошқа жамғарма фондларида 39900 та тошбосма асарлар коллекциялари сақланиб келинмоқда. Ушбу институт жамғармалари фондидаги нодир асарларнинг 15741 электрон каталоги ва тўлиқ матнли базаси мавжуд.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Қўлёзма ва алоҳида қимматга эга қўлёзмалар хизмати фондида 16000 минг нусхадан иборат нодир асарлар коллекцияларининг 6000 таси электрон каталог ва 1850 та тўлиқ матнли мавжуд.

ЎРФААКси Нодир нашрлар бўлими фондида 1500 мингдан зиёд нодир асарлар мавжуд бўлиб, шулардан 73 тасининг электрон каталоги ҳамда тўлиқ матнли маълумотлар базаси яратилди.

Турон номидаги вилоят ахборот-кутубхона муассасаси фондида 4520 мингдан зиёд нодир асарлари мавжуд, лекин уларнинг электрон базаси мавжуд эмас.

Тадқиқот иши олиб борилганда, кутубхоналар фондида сақланаётган нодир асарлар коллекцияларининг химиявий, физикавий ва бошқа факторлари ҳам таҳлил қилинди. Уларнинг яроқли ҳолатда сақлаш юзасидан реставрация ва консервация ишлари ўрганилди ва шулар юзасидан тегишли хулосалар қабул қилинди.

Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётган нодир асарларни сақлаш меъёрлари, йиртилишини олдини олиш, яроқсиз аҳволга келиши ва турли омиллардан зарар кўрган асарларни сақлаб қолиш, каталоглаштириш жараёни ва автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари афзалликлари, усуллари ҳамда нодир асарларни электрон коллекцияларини қайта ишлаш методлари ва сақлаш омиллари таҳлил қилинди.

Нодир асарларни сақлашга ниҳоятда катта эътибор бериш лозим, чунки, уларни сақлашда физикавий, химиявий, биологик омиллар ва бошқа таъсирлардан сақлаш учун ахборот-кутубхона муассаси биноси ва мутахассисларига боғлиқ эканлиги, бунинг учун асарларга зарур иссиқлик, намлик кераклиги, турли ҳашоратлардан ва авариялардан сақлаш каби усулларини қўллаш лозимлиги ҳақида хулоса қилинди.

Бу усуллар келгусида барча ахборот-кутубхона муассасалирида сақланаётган нодир асарларни сақлаш ҳамда олдинга қўйилган мақсад ва муаммоларни ҳал қилишда қўл келади.

документы – матрицы, звуковые платы, магнитные ленты, аудио-кассеты, DAT кассеты, CD, HDD; электронные документы – DVD, CD, DVCAM, DAT, магнитооптика, HDD; киноафиши.

В качестве примера создадим базу данных фото и аудио материалов для набора метаданных:

- Authors – Авторы;
- Title – Название;
- Other titles – Другие названия;
- Date of issue – Дата создания;
- Type of document – Тип документа;
- Subject keywords – Ключевые слова;
- Description – Описание;
- Bitstream – Загрузка файла;

Формулируем название сообщества (электронного архива) фото и аудио документов. Заполняем необходимые поля, соответствующие вышеуказанным метаданным. В данном случае с названием сообщества. На интерфейсе появляется новое сообщество. После открытия сообщества появляется окно репозитория, где мы будем создавать отдельную коллекцию аудио, фото и фономатериалов. После появления окна метаданных начинается ввод описания содержимого коллекции. Затем наступает этап создания коллекции фотодокументов и добавления файлов (элементов) коллекции. В следующем окне начинаем заполнять метаданные фотодокумента. Следующий этап, который наступает после заполнения всех метаданных, – это работа с появившимся финальным окном с полным описанием документа. После создания коллекции и установки специального плагина SemanticSearch можно создавать семантические связи между документами и вести семантический поиск среди документов с общими метаданными.

Формирование семантических связей между метаданными в электронных архивных позволит существенно обогатить поиски содержание искомым документам и данным.

### Список литературы

1. Хоай Л., Тузовский А.Ф.(2013). Семантическое аннотирование документов в электронных библиотеках. Известия Томского политехнического университета. Выпуск №5, том 322.1-13.
2. Кудим К.А., Проскудина Г.Ю.,Резниченко В.А. Создание научных электронных библиотек с помощью системы DSPACE. Информационный системы. ISSN 1727-4907. Проблемы програмування, 2007. № 3 49 УДК 004.415 ф.